



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЖЛИС ПАЛАТАСИ 3105093

Shu aziz Vatan — barchamizniki

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир».

• 2009-йил • 28-май • Payshanba • 64 (29.025) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

## ✓ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Мамлакатимиз иқтисодийнинг изчил, барқарор ривожланиши тараққиётнинг ўзбек модели ҳаётий ва самарали эканини кўрсатмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг шариқтида давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси пухта ишлаб чиқилгани, бунинг натижасида барқарорликка эришганимиз ҳам айна ҳақиқатдир. Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирозини оқибатларини бартараф этиш, юмшатиш бўйича амалга ошираётган тезкор чора-тадбирлари, Инқирозга қарши чоралар дастурига дунёнинг кўплаб давлатлари ва мутахассислари катта қизиқиш билдирмоқда. 22 май куни Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий — амалий анжуманининг айна шу масалага бағишланганлиги бундан далолат беради.

## ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЭЛЕКТОРАТИМИЗ ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш жараёнида Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларини ҳимоялаш, бунда партия тузилмаларининг вазибалари» мавзусига бағишланган сиёсий семинарда ушбу фикрлар яна бир бор таъкидланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Тошкент вилоят ва шаҳар, туман партия кенгашлари фаоллари, депутатлар иштирок этди.



— Бугун мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик ҳукм сурмоқда, — деди

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Давлатимиз раҳбари томонидан пухта ўйланган сиёсат амалга оширилаётгани туфайли инқироз оқибатларининг олдини олишга қаратилган ишлар ўз самарасини бераёпти. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши давом этмоқда. Янги иш ўринлари яратиб, қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби ижтимоий

масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси электоратимиз манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу сабабли партияимиз аъзоларидан мамлакатимиз раҳбарининг сиёсати ва аниқ чора-тадбирларини қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларни амалга оширишда, ижросини таъминлашда янада фаолроқ иштирок этиш талаб этилади. — Инқироз шариқтида партия фаоллари зиммасига кўпгина вазибалар юклатилди, — деди Юнусобод туман партия кенга-

ши раиси Нигора Эшметова. — Биринчи навбатда аҳолига, электоратимизга инқирознинг келиб чиқиши, оқибатлари, Ўзбекистонга таъсири ҳамда унинг олдини олишга қаратилган чоралар мазмун-моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим. Инқирознинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишда жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъулиятини ошириш, тежамкорликни йўлга қўйиш, фалонлики янада мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий самара беради.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бирлашиб, интерактив шаклда мавзунинг амалий жиҳатларини муҳокама этдилар. Партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг бу борадаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқдилар.

— Партиянинг ёш фаоллари учун бундай амалий машғулотлар жуда зарур, — дейди Шайхонтоҳур туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Сардор Дўстмухамедов. — Биз жойларда бўлиб, тенгдошларимиз билан учрашувлар, турли давра суҳбатлари ўтказамиз. Шундай пайтда мазкур тадбирлардан олган билимларимиз, ўрганган тажрибаларимиз асқотайди. Чунки биз жамиятнинг онли аъзоси сифатида мамлакатимиздаги жараёнларга, амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ қарай олмаймиз. Айниса, молиявий инқироз шариқтида жамиятнинг ёш таянчлари бу жараёнларда фаол иштирок этишлари лозим.

Гуларух ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.  
Шавкат КАҲҚОРОВ  
олган суратлар.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАДРИДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

Мадрид, 27 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов 26 май куни расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қиролиги пойтахти Мадрид шаҳрида тўхтаб ўтди.

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қиролиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Айна пайтда Испанияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатлар юксак кадрланади. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йил январь ойида Испанияга давлат ташрифи асосида Мадриднинг ўша пайтдаги мэри Хосе Мария Алварес дель Манзано мамлакатимиз раҳбарига ушбу қадим шаҳарнинг рамзий «Олтин калити»ни тақдим этган эди. Бу Мадрид Тошкент учун ҳамisha очиклигининг ёрқин белгисидир.

Ўзбекистон ва Испания тарихан бир-бирига яқин давлатлардир. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо меҳмон бўлган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийини ўзининг Испания Қиролигидида элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўша даврлардаёқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар янги йўлга қўйилганидан далолатдир.

Испания — иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқаро сиёсат майдонида юксак нуфузга эга мамлакат. Ўзбекистон ушбу давлат орқали бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўз навбатида, Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан му-

носабатларни изчил ривожлантириш тарафдори. Ташки сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган, парламентлар ва омабудсманлар ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Maham Central Asia» (кимё соноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maham Uzbekistan» (кимё соноати) каби қатор Ўзбекистон — Испания қўша корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озик-овқат соноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компанияларнинг ваколатхоналари акредитациядан ўтган.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий ҳамкорларидан ҳисобланади. Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо — Амир Темур» Испания — Ўзбекистон дўстлик уюмчаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қиролиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

Мамлакатларимиз олий ўқув юртилари ўртасида фаол алоқа барқарор бўлиб ўтди. Барселонада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

Мамлакатларимиз олий ўқув юртилари ўртасида фаол алоқа барқарор бўлиб ўтди. Барселонада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди. Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан му-

(ЎзА)

## ❖ Сен ёлғиз эмассан

## МЕҲР-МУРУВВАТ ШАҲРИ

Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида болалар шаҳарчаси фойдаланишга топширилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги «Отанасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан барпо этилган ушбу мажмуанинг қурилиш-монтаж ишларига давлатимиз томонидан 3 миллиард 593 миллион


сўм маблағ ажратилди. Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов, вилоят ҳокими Абдурахим Жалолов, шаҳар жамоатчилиги вакиллари фарзандларимизнинг меҳр-муҳаббатли, баркамол улгайишлари учун қилинаётган гамхўрликлар бошида

Президентимиз турганлигини чуқур миннатдорлик билан эътироф этишди. Бош вазир ўринбосари болаларга дарвоза ёнида яқинраб турган янги «Исузу» автобусни кўрсатиб деди: — Мана бу сизларга сўғай! Ҳаммамнинг кўзи машина олдидаги «Президент со-

ғаси» деган ёзувга тушди. Болалар аввал тортиниб, кейин эса жўр овозда «Президентимизга раҳмат!» дея самимий миннатдорчилик билдиришди.

Болалар шаҳарчаси... Ўртаси барқ уриб очилган гулзордан иборат кенг ҳовли. Қираверишдаги икки кўркам бинонинг чап тарафдагиси маъмурият, ўнг тарафдагиси эса маънавият саройи. Сўлим хиёбон бизни дид билан қўрилган замонавий кotteжлар сари бошлайди. Ҳар бири 7-10 нафар болага мўлжалланган уйлارга кираверишнинг ўзига гуллари кўзни қамаштирувчи гиламлар тўшалган, уй бекаси Феруза Умарова, унинг ёрдамчиси Мохичебра Тошматова билан суҳбатлашамиз.

— Ҳаяжонланаяписиз-а? — деб сўраймиз Ферузадан. — Жудаю! — дейди у. — Лекин биз ўз фарзандларимиз билан аллақачон учрашиб, танишиб улгурганмиз. Энг кичкина тарбияланувчимиз олти яшар Вика ҳатто мени яхши кўриб қолганлигини айтди. Шаҳарчадаги ҳар бир уйда болалар учун бештадан ётоқхона, биттадан меҳмонхона, ошхона, машғулотлар ҳамда ювиниш хоналари мавжуд. Ҳамма хоналар мўлжалланган вазибаларга қараб замонавий мебеллар, гиламлар, рўзгор анжомла-



ри, бежирим пардалар билан жиҳозланган. Шунингдек, телевизор, ясси экранли «Pentium» компьютерлари ўрнатилган.

Ҳар бир кotteж бир оилга мўлжаллангани учун бу ерда тарбияланувчи болалар ҳам ака-ука, опа-сингил, ака-сингил, опа-ука муносабатда бўладилар. Богча ёшидагилар шаҳарчининг ўзига мактабга тарбия муассасалари учун белгиланган дастурлар асосида таълим-тарбия олишади, мактаб ёшидаги болалар эса шаҳардаги умумтаълим мактабларига қатнаб ўқишади.

Болалар шаҳарчининг умумий майдони 4,2 гектарни ташкил этади. Шу жумладан, «Меҳржон» деб аталган бир гектарлик богча 950 туп арча, 270 туп мевали дарахт экилиб, парвариши йўлга қўйилди.

Биз мазкур муассасага кадрлар қай тарзда танланган-

лиги билан қизиқиб, шаҳарча директори Покиза Аҳмаджоновага муурожаат қилдик. — Ҳақиқатан ҳам бу ерда ишлайдиган одамлар болаларни жонун дилдан севиши, ишни шунчаки тирикчилик манбаи эмас, эзгу мақсад деб билиши, бир сўз билан айтганда, фидойи инсонлар бўлиши керак. Шунинг учун ҳам шаҳарчамизга кадрлар танлов асосида, ҳар томонлама ўрганилгач, синовдан ўтказилиб ишга қабул қилинди.

Болалар шаҳарчаси... Аслини олганда, бу атамандилиқда янгилик эмас. Бу каби муассасалар пойтахтимизда ва бир қатор вилоятларда ишга тушиб, ўзини батамом оқлади. Она диёримизда болаларга берилаётган бундай эътибор, чексиз гамхўрликлар қалбимизни гуруҳга тўлдирди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## ✓ Халқаро конференция

## «ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА»

Маълумки, ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2007 йил 2 ноябрда бўлиб ўтган 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори эса бу улкан санани халқаро миқёсда нишонлаш ишларини кенг қўламда бошлаб юборишга асос бўлди.

Бу йил нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун жаҳон жамоатчилиги учун ҳам унутилмас йилдир. Чунки биз Марказий Осиёнинг энг қадимги ва ўз навбатида ривожланган мегаполиси шаҳарларидан бири бўлган Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш арафасидамыз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган «Ўзбекистон пойтахти — Тошкент 2200 ёшда» мавзусидаги халқаро илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихини илмий асослаб бериш ва айнан шаҳарнинг ўтмиши, бой шаҳар-созлик анъаналари ҳамда ўзбек халқи давлатчилик тарихида тугган ўрнини илмий асосда кўрсатишдир. Анжуманда дунёга машҳур археолог, тарихчи ва нумизматика соҳаси мутахассислари Тошкентнинг шаклланиши, қадимги ва ўрта асрларда шаҳар маданиятининг тараққиёти, шаҳар воҳаси палеолит ёдгорликлари, янги эпиграфик манбаларда Чочининг қадимги тарихи, Тошкент Буюк ипак йўли чорраҳаси ҳамда эволюцияси замонавий маданият контекстида каби бир қатор мавзуларда маърузалар қилишди.

## • СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

ёки журналист одоби ва этикаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ:

• ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3-бет


## • ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАР МАСКАНИ

Самарқанд енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўз салоҳиятига эга таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади...

4-бет



# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШИШГА ЧОРЛАЙДИ



**Назира МАТИҚУБОВА, ЎзДП Қорақалпоғистон республика конгресси раиси**

Маълумки, фуқаролик жамияти шаклланаётган шароитда сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишга хизмат қилади. Юртимизда изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар натижасида демократик талаблар асосидаги сайлов тизими яратилди. Бунда айниқса, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаш-

тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, сайлов тизimini янада демократлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ўтказиладиган навбатдаги сайлов янги сайлов қонунчилиги асосида амалга оширилиши, яъни бунда сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги вакилликни кенгайтириш мақсадида депутатлик ўринлари сони ва мамлакатимиздаги сайлов округлари сони ошгани, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тартиби аниқ белгилаб берилиши бу сиёсий жараённинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган юсак даражада ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Марказий сайлов комиссиясидаги семинар-йиғилишда вакиллик органлари сайловларида аёллар-

дан 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда депутатликка номзодларни кўрсатиш бўйича ишларни қатъий давом эттириш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни жуда тўғри ва ўринли билан. Буни мен мамлакатдаги демократик жараёнлар ва давлат бошқарувида хотин-қизларнинг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракат деб биланман.

Бу жараёнлар албатта сиёсий партиялар, уларнинг етакчилари ва фаолларидан жуда чуқур сиёсий билим ва тажриба талаб этади. Шунинг учун сайлов қонунчилигидаги янги ўзгаришлар ЎзДП туман, шаҳар кенгашилари раислари ва фаоллари, депутатлари, электротар орасида кенг тушунтирилмоқда. Чунки бу ишда аввало етакчиларнинг сиёсий билим ва савияси, сиёсий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич партия ташкилотлари раисларидан тортиб, барча етакчиларга сайлов қонунчилиги ҳақидаги янгиликларни пухта билиши, электротар ўртасида кенг тарғиб қилиши талаб этилади.

## Сайлов ва ислохот

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар тобора ўз самарасини бермоқда. Бу жамиятимизда энг аввало, қонун ижодкорлиги, қонунчиликнинг такомиллашиб бораётганида, қолаверса, халқимизнинг қонун асосидаги на чинакам фуқаролик жамияти барпо этишга бўлган ишончи ортиб боришида намён бўлмоқда. Эндилкида аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки амалда анча кенгайди, фуқаролик маърифати юксалди. Олдинлари фақат юқоридан буйруқ, турмушдаги ҳар қандай масалалага кимдандир ечим, мадад кутадиган кишиларимиз энди жамият тараққиётида ўзини маълум даражада масъул сезмоқда.

Айниқса, халқимизнинг сайлов маданияти ҳам тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шуларга асослан, 2004 йил декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга

# ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

сайловлар билан жорий йил якунида бўлажак сайловлар албатта бир-бирдан кескин фарқ қилиши кутилмоқда. Сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар қисқа муддат ўтиб Конституциявий қонун билан тўлдирилгани шундай фикр юритишга асос бўлади.

«Сайлов тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам шубҳасиз, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган муҳим жараённинг бир қисмидир.

Бу Қонуннинг қабул қилинишидан мақсад-сиё-



**Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ҲДП Наманган вилоят конгресси раиси**

сий партияларнинг роли ва таъсири янада кучайтиришдан иборат. Чунки, «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили»

деб номланган модданинг киритилгани, сиёсий партиялардан сайланадиган депутатлар ўрнининг кўпайтирилгани бундан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган семинар-кенгашда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича концепция ҳамда «2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловларда тadbирларнинг тартиби ва тузилмасининг тасдиқлангани айни муддаодир.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилиши, участка сайлов комиссияларида номзодни ҳимоялашнинг

реал чоралари белгилангани сиёсий партиялар ҳуқуқларини кенгайтириш билан бир қаторда уларга ўзига хос масъулият ҳам юклайди.

Марказий сайлов комиссиясининг семинари ва сайловларни ўтказиш тартибларига доир концепция талабларидан ҳар биримиз ҳулоса чиқармоғимиз зарур.

Депутатлик гуруҳларимиз томонидан номзодлар ва уларнинг ҳаракат дастурини такомиллаштириш бўйича маслаҳат, кўмак соатлари ташкил этилса, номзодларда партия кенгашилари билан доимий яқин алоқада бўлиш кўникмаси шаклланиб, мустақамлавиб борарди.

Бу галги сайловлар тақомиллаштирилган Қонун асосида янгилашган тартибларни қамраб оларкан, партияимизнинг маҳаллий Кенгашлардагина эмас, парламентда ҳам кўпчилик ўринни олишига эришмоқни кўзлаб ҳаракат қилишимиз лозим.

## Бандлик

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



У.ИМОМАЛИЕВ олган сурат.

Фаргона шаҳрида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси ва Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари, «Фаргонанон», «Фаргонадон», «Фаргона ёғ-мой», «Автоойна», «Фар файзли иссиқ нон», «Фаргона кўзгу», «Фар Антикор инвест», «Шарк жамол», «Моҳиғул», «Бахт дармон инвест» сингари 64 та корхона ва муассасалар, 28 та кичик бизнес вакиллари, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари 1000 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Бу имкониятдан фойдаланган вақтинча ишсизлар ва касб-хўнар ўрга-

нишга қизиқувчи ёшларнинг 1743 нафари бевосита шу ернинг ўзида меҳнат жамоаларида ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, ойлик маошлари, ижтимоий муҳофиза чоралари билан яқиндан танишиш ва маслаҳатлар олиш имконига эга бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ярмаркада 226 нафар фуқаро, жумладан, 31 нафар коллеж битирувчиси, 15 нафар озоликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб келган шахсга ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

**Одилжон ИБРОҲИМОВ, Фаргона шаҳар прокурори ёрдамчиси.**

# 3263 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Яқинда Бухоро шаҳрида вилоят меҳнат бозори ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада 1147 та корхона, ташкилот, муассаса 8333 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Мазкур тadbирда олий ўқув юртлири ҳамда ўрта махсус касб-хўнар коллежларидан 3171 нафар битирувчи, турли

сабаблар билан ишсиз қолган фуқаролар иштирок этди. Улар мутахассисликлари бўйича ишга йўланма олдилар, айримлар касб ўрганишга йўналтирилди.

— Ярмарка шарофати билан 3263 киши муқим иш жойига эга бўлди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси мутахассиси Ҳамза Бобоев.

**Даврон БАҲРОНОВ**

*Шубҳасиз, матбуот — эркин фикр айтиш майдони. Аммо, буни масъулият, ваколат доираси бор. Масалала ҳолис, ҳалол, асосли муносабат билдириш фақат яхшиликка хизмат қилади. Таниш-билишчилик, хусуният, манфаат аралаша бундан жамият фақат зиён кўради, матбуотнинг нуфузига, журналист шаънига путур етади. Афсуски, ўз ваколати доирасидан чиқиб, сўз айтиш масъулияти, журналист этикасига парво қилмай тўғри келган томонга от солаётган нашрлар, журналист ниқоби остида бировларга малайлик қилганлар учраб турибди. Ҳатто, бир нашрда танқид қилинган кишини ўз «паноҳи»га олиб, ҳақамлик қилишгача бориб етмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар одамларни чалғитади, матбуотга ишончли су-сайтиради. Айрим мисолларга эътибор берайлик.*

«Инсон ва қонун» газетасининг 2007 йил 20 ноябрь сонидида «Эссизгина Боботов» сарлавҳали танқид босилди. Мазкур танқид қанчалик асосли-асосизлиги, бу — алоҳида масала, уларни ўрганиб, қонуний нукта қўядиган идоралар етарли. Бироқ орадан кўп ўтмай мақолада танқид қилинган кишини ўз «химо»сига олиб, Денов тумани ҳокимлиги нашри бўлмиш «Чағонийён» газетаси марказий нашрни ноҳақликда айлаб, катта чиқиш қилди, мақола муаллифи-ю, газета бош муҳарририга нисбатан нордон-нордон гапларни аямай айтиди. Агар «Инсон ва қонун»даги ўша мақолада «Чағонийён» тўғрисида бир гап айтилган ёки Денов туманига тегишли фикр кетган бўлса туман ҳокимлиги нашри сифатида муносабат билдириш мумкин эди. Буни тушунаса бўларди. Лекин мақолада кўтарилган мавзу Деновга ҳам, «Чағонийён»га ҳам мутлақо алоқадор эмас. Қолаверса, мақоладан норози томоннинг тахририятга, унинг муассисига, судга муурожаат қилиш ҳуқуқи бор. Лекин «Инсон ва қонун»даги мақолага нисбатан ҳақам бўлиб «Чағонийён» жавлон урди.

Оқибат нима бўлди? Танқидда кўтарилган масала бир четда қолиб, икки томон журналистлари ҳақида ҳар хил, ҳатто айтиб бўлмайдиган гаплар урчидики, бундан фақат матбуот, журналистлар ютказди.

Дарвоқе, ҳақамлик ҳақида. «Чағонийён»нинг шу йил 6 февраль сонидида «Эголланаётган умр» мақоласи чоп этилди. Мақолада Термиз давлат университетининг собиқ ректори Хидирназар Алла-

куловнинг бошига тушган воқеалар кўзга олинган. Муаллифнинг зўр бериб таъкидлашича, домла — зўр одам, ноҳақликка, кўзбўямачиликка қарши қаттиқ қу-

# СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

### ёки журналист одоби ва этикаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар

раш олиб боргани натижасида поёнсиз азобларга гирифтор бўлган. Унинг ишдан кетиши-ю ўзига нисбатан жиноий иш очилиб, судма-суд овора бўлишига бош сабабчи «Ўзбекистон овози» газетасида босилган (20.05.2004 йил) «Ховла»нинг режиссори, калтакни студент ейдими?» сарлавҳали мақола экан! Аввало шуни айтиш керакки, танқидий мақола тегишли идора, ташкилотлар эътиборини муаммага қаратиш учун ёзилади. Жиноий иш қўзғатиш, ходимни лавозимидан бўшатиш, ишни судда қўриш-қўрмасликни мутасадди идоралар хал этади. Бунинг учун газетани айблаш, аввало қонунни билмаслик, сўнгра атайин ноҳолислик, одобсизлик ҳисобланади. Майли, бу алоҳида масъу.

Бироқ бир газетада чоп этилган мақоланинг асосли ёки асоссиз эканлигини қачондан бошлаб бошқа бир газета белгилаб берадиган бўлди? Ёки «Чағонийён»га ҳақамлик ҳуқуқи берилганим?

Қизиғи, (хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг) «Чағонийён»нинг ўзи

тест синовларидан етарлича «Балл» тўплай олишмаган Р.У. Шоюсупов, У.Ч. Жумаев, П.Ч.А. Шуралиев, У.Н. Қосимов, Ж.У. Турсунов, Б.Э. Жумаев, Ф.К.А. Вилёқулов номларини 1998 йил 25 август кунидидаги қабул комиссиясининг 435-сонли буйруғига киритиб, ҳужжатларни қалбақлаштирган» каби айблар қалаштириб ташланган.

Энди эса «Чағонийён» негадир собиқ ректорни олишга, химоя қилмоқда. Буни қандай баҳолаш мумкин? Бу лўттибозлик, касбга, бурчага хиёнат эмасми? Уйга толасан киши: нахоти бош муҳаррир Зойир Мамажонов ҳеч бўлма-са «бунга маънавий ҳақимиз борми? Шундай қилсак, ахлоқ-одоб қондаларига тўғри келармикин?» деган фикрга ҳам бормаган бўлса?! Эҳтимол масъулият ҳисси, ахлоқ-одоб тамойилдан кўра бошқа нарсалар унга афзал кўрингандир?..

Сўз масъулияти — улуг тушунча. Дарҳақиқат, матбуот сифатсиз орқали икки-уч оғиз сўз айтишга оғиз

лаб этилади. Сўзга масъулият одамнинг ўзига, ишга, касбига, бурчига бўлган масъулият ҳам ҳисобланади. Афсуски, кеча чоп этилган мақола учун эртага раддия берилган ҳолатларни «Чағонийён»да кўплай учратиш мумкин. Тегишли ташкилот тақдимномаси асосида асоссиз реклама материали учун раддия берилган ҳолат ҳам бор ва ҳоказо.

Мадомики гап оддийгина одоб ҳақида кетдики, «Чағонийён»даги галати яна икки ҳолатдан кўз юйиб бўлмайди.

«Чағонийён» Денов тумани ҳокимлиги нашри ҳисобланади. Демак, унда, энг биринчи навбатда, туман ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, ўзгаришлар, муаммолар ёритилиши керак. Лекин «Чағонийён» вилоятнинг бошқа туманларидаги катта-кичик масалаларга доим «эътибор» беради, ҳақамлик қилади. Негадир бошқа туманлардаги «камчилик»ларни танқид қилишга бу газета анчадан бери ружу қўйган. Лекин муассис ҳам, бошқа тегишли идо-

рлар ҳам бу ҳолатга томошабин бўлиб тургани кишини ажаблантиради. «Чағонийён»да яна бир одат оддий ҳолга айланиб қолган. Маълумки, бир нашр иккинчисидан мақола кўчириб босса, аввало, тахририят ва муаллифдан рўхсат сўрайди ва мақола қайси нашрдан олингани албатта қайд этилади. Бу ҳар бир журналистга беш қўлдек маълум бўлган тартиб-қоида. Қолаверса, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун талаби ҳам шуни тақозо қилади. Лекин «Чағонийён» бош муҳаррири бу одоб меъёрини, қонун талабини писанд қилмаётганга ўхшайди. Марказий ва маҳаллий нашрларда чоп этилган катта-кичик мақолаларни тахририятдан, муаллифдан сўраб ўтирмасдан

ҳамда «Ўзбекистон овози» газетасининг 17 март сонидидаги «Корхона ишга тушди» каби хабар «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун талабларига эид равишда кўчириб босилган, манбаси кўрсатилмаган. 3 апрель сонидида эса «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Денов SMART -DTK», «Амалий ишлар самараси» ва «Хайрли ташаббуслар» каби мақола ҳамда хабарлар ўйрилган. Уларда мақола муаллифининг титули ҳам, «Ўзбекистон овози» газетасидан олингани тўғрисидаги қайд ҳам йўқ.

Биз «Чағонийён» газетасининг фақат иккита сонидидаги кўчирма-қалбақдан мисол келтирдик ҳолос... Бундай қонунбузарликни газетанинг даярли ҳар бир сонидида учратасиз.

Одоб ва қонун талабларига бўйсуниб кишидан ички маънавий, ички маданият ва одобни талаб этади. Айниқса, жамоатчилик фикри билан ишлайдиган журналистларда бу фазилатлар устун бўлиши тақозо қилинади. Негаки, кўпчиликни ўз сўзларига ишонтириш учун аввал одамнинг ўзи ҳолис, собит, қонунга итоаткор, энг муҳими, маънавийлиги бўлиши зарур. Масъулиятни унутиб, ҳар хил ўйинларга аралашиб, кўзбўямачилик, манманлик, кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлишга йўл қўйиб, охири-оқибат журналистнинг ва матбуотнинг обрўсизланишига олиб келади.

Матбуот — барчамизнинг умумий юзими. Унинг ёруғ бўлиши учун ахлоқ-одоб қоидалари ҳамда қонунни аввало ўзимиз байроқ қилиб кўтаришимиз, ишимиз ва сўзимизда масъулиятли бўлишимиз лозим. Зеро, ушбу ҳолатлар бизнинг кимлигимизни кўрсатувчи касбий меъёрлардир. Ҳақамликни эса ўша мезонлар асосида зукко газетчон — жамоатчилик амалга оширганги маъқул.

«Чағонийён» газетаси фаолиятида анчадан бери номаъқул тажрибага айланган юқоридидаги каби хатти-ҳаракатларга муассис ва тегишли ташкилотлар қонуний баҳо беришади деб ўйлаймиз.

**Раҳмон ШОДИЕВ, Турсунали АҚБАРОВ**

## Қонун барчага баробар

Бразилия Федератив Республикасининг умумий ер майдони 8,5 миллион квадрат километр. У худудининг катталиги жихатдан дунёда бешинчи ўринда туради, Лотин Америкасида эса энг йирик давлат бўлиб, китъанинг деярли ярмини эгаллайди. Бразилия аҳолиси 198,7 миллион кишини ташкил этади.

БМТ таснифига кўра, Бразилия «янги саноатлашган давлатлар» гуруҳига киради. Яъни ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмига кўра у Лотин Америкасида биринчи ўринда туради, саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра эса, дунёдаги энг йирик ўнта мамлакат қаторига киради. 2008 йил якунига кўра ЯИМ ўсиши 5,1 фоизни ташкил этиб, 1,57 триллион АҚШ долларига етди. Мамлакатнинг олтин ҳисобидagi валюта захиралари 2009 йил январь ҳолатига кўра 188,1 миллиард долларни ташкил этган.

Бразилия ўз космик дастурини ривожлантирмоқда, шунингдек, 100 ўринли йўловчи самолётларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлардан бири саналади. Бразилия ўртача масофадаги қатновларда учадиган самолётлар ишлаб чиқариш бўйича дунё самолётсозлигининг 40 фоизини назорат қилади. Бу самолётлар маҳаллий «Эмбрайр» компаниясида йиғилади.

Бразилия иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан яна бири автомобилсозлик бўлиб, мазкур тармоқнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 23 фоизни ташкил этади. Мамлакатда автомобиль ишлаб чиқаришнинг умумий мидкори 2,5 миллиондан ошди.

Бразилия нефть ва табиий газ қазиб олиш борасида катта тажрибага эга. Жорий йилда «Петробраз» давлат компанияси нефть қазиб олиш ҳажмининг йилига 101 миллион тонна (дунёда 7-8 ўрин)га чиқаришни режалаштирмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодиётининг ривожланган тармоғи

## ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ҳисобланиб, иқтисодий фаол аҳолининг 30 фоизи шу соҳада ишлайди. Бразилия гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик мамлакатлардан бири саналади. Мамлакатда бир қатор қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Хусусан, қавва, шакар, қамиш, соя, маккажўхори, какао, банан, пахта шулар жумласидандир.

Бу кўрсаткичлар Лотин Америкасидаги ушбу давлатнинг дунё сибсати ва иқтисодиётидаги мавқеи тобора юксалиб бораётганидан яққол далолатдир.

Бразилия Федератив Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1993 йил 30 апрелда ўрнатилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Бразилия икки томонлама муносабатларининг сезиларли даражада фаоллашгани кузатишда ва икки мамлакат ўртасида юқори даражадаги делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда икки мамлакат ташқи сибсат маҳамаларининг сибсий маслаҳатлашувлари катта аҳамиятга эга. Ана шундай маслаҳатлашувларнинг биринчиси 2007 йил август ойда Бразилияда бўлиб ўтди.



Музокаралар Ўзбекистон ва Бразилия сибсий, иқтисодий, гуманитар-маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамжихатликини мустаҳкамлашга интилаётганини ва бундан манфаатдор эканини кўрсатади. Сибсий маслаҳатлашувлар якунига кўра ташқи ишлар вазирликлари ўртасида тегишли протокол имзоланиб, мазкур ҳужжатда сибсий маслаҳатлашувларни ҳар йили Тошкент ва Бразилияда галла-галдан ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, «Узинфинвест» агентлиги ва Бразилия савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш агентлиги (АПЕКС) ўртасида ўзаро анлашуш ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

2008 йил май ойда Ўзбекистон

Республикасининг Савдо-иқтисодий делегацияси Бразилия Федератив Республикасида бўлди. Ташриф давомида Бразилиянинг тегишли вазирлик ва идораларида бир қатор учрашуш ва музокаралар олиб борилди, шунингдек, Сан-Пауло шаҳрида бизнес анжуман ўтказилди.

2008 йил сентябрь ойда Ўзбекистон — Бразилия сибсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раундини ўтказиш мақсадида Бразилия Ташқи алоқалар вазирлиги бош қотибининг ўринбосари Р. Жагуарибе раҳбарлигидаги делегация Тошкентга келди. Бразилия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идораларида музокаралар олиб боришди.

2008 йил 1-4 ноябрь кунлари Ўзбекистонга Рио-де-Жанейро шаҳри мэри С. Майе ташриф буюрди ва у

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинди. Ташриф якунига кўра Самарқанд ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида Протокол имзоланди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Бразилия Лотин Америкасида ядро қуролини таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага аъзо бўлиб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролдан холи худудни яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қуватлайди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги мамлакатимиз томонидан амалга оширилаётган сайъ-ҳаракатларни юқори баҳолайди.

Ўсиб бораётган дунё глобаллашуви шароитида Бразилия ўзининг ташқи сибсатида «Осиё йўналиши»ни фойдалантиришга интилади. Бу борада Марказий Осиё улкан геосибсий ва геосибсий аҳамияти билан Бразилия учун «устувор эътибор қаратиладиган минтақа», Ўзбекистон эса минтақадagi мулоқотлар бўйича етакчи ҳамкор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг минтақавий Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фа-

олиятида фаол иштирок этиб келатгани, жумладан, Тошкент шаҳрида ШХТнинг Минтақавий аксилтерроп тузилмасининг жойлашгани, Бразилия томони фикрича, «мамлакатнинг минтақа хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин туттишидан» далолат беради.

Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўришмоқда. Шу билан бирга, ўзаро товар айланмасининг бугунги даражасини янада оширишга иккала мамлакатнинг мавжуд салоҳияти етарли. 2008 йил якунига кўра, Бразилия ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланмаси 121,25 миллион долларни ташкил этди, бу эса 2007 йилги кўрсаткичлардан 73 фоизга кўп демакдир.

Ўзбекистон ва Бразилияда саноатнинг ўзаро манфаат келтирадиган тўқимачилик ва кимёвий тармоқларини ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида етарлича захиралар мавжуд. Ўзбекистон ва Бразилия халқларининг бой маданияти, санъати ва адабиёти гуманитари, шунингдек, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Икки мамлакат шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасида амалга оширадиган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сибсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг янги сифат даражасига кўтарилиши учун хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

## АФФОНИСТОНДА «ЛЭП-220 ЎЗБЕКИСТОН — ҚОБУЛ» ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қобул шаҳри яқинида жойлашган «Чантала» электр станциясида Ўзбекистондан Қобулга электр энергияси етказиб берувчи 150 мегаватт қувватга эга бўлган ЛЭП-220 лойиҳасини ишга тушириш муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Тадбирда Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Хамид Карзай, ҳукумат аъзолари, дипломатия ва коллатхоналари ва халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки молия институтлари вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Афғонистон Президенти Х.Карзай ўз маърузасида Лойиҳани амалга оширишда қатнашган барча иштирокчиларга самимий миннатдорлик билдириб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг раҳба-

рияти муҳим ўрин тутганини алоҳида қайд этди.

Президент Х.Карзай тадбирда қатнашган мамлакатимиз делегациясига мурожаат этиб, шундай оғир пайтда афғон халқига кўрсатилган ёрдам учун Президент Ислам Каримовга ўзининг самимий миннатдорлигини етказишни сўради ва шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарига мустахкам соғлик ва фаолиятида муваффақиятлар, шунингдек, қардош ўзбек халқига янада тараққиёт ва фаровонлик изхор этди.

БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Кай Эйде Ўзбекистон томонидан кўрсатилган мазкур ёрдам афғон халқи ва бутун мамлакатнинг келажғи учун катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Афғонистон Ислам Рес-

публикаси иқтисодиёт вазири М. Жалил Шамсинг айтишича, Афғонистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу айни лойиҳада, яъни, Ўзбекистоннинг Афғонистонга 150 мегаватт қувватга эга бўлган электр энергиясини етказиб бериши ва шу йилнинг кузига қадар бу кўрсаткич икки бараварга ошириш ниятида эканлигида яққол намён бўлмоқда.

Афғонистон энергетика ва сув ҳўжалиги вазири М. Исмоилжон мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон — Афғонистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини аҳамияти, шунингдек, Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш борасида Ўзбекистоннинг туган ўрнини муносиб баҳолади. Жаҳон банкининг Афғо-

нистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси С.Хосла Ўзбекистон ушбу мамлакатни қайта тиклашга кўмаклашиш йўлидаги соҳлабқадамлигини сўзда эмас, балки яна бир бор амалда исботлаганини қайд этди. Унинг фикрича, бунда Афғонистонда тинчликни тиклашга амалий ёрдам кўрсатиш борасида хоҳиш билдирилган қуруқ ҳужжатлар эмас, балки Ўзбекистоннинг бу йўлдаги аниқ ва изчил сибсати яққол намён бўлди.


«ЛЭП-220 Ўзбекистон-Қобул»ни ишга тушириш маросими Афғонистон ижтимоий-сибсий ва эксперт доиралари, Қобулда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари орасида, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида катта қизи-

қиш уйғотди.

Лойиҳани ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимга бағишланган видеолавҳалар Афғонистоннинг деярли барча телеканалларида намойиш қилинди. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида чоп этилган хабарларда Афғонистон, хусусан, Қобулни электр энергияси билан таъминлаш жараёнида Ўзбекистоннинг қўшган хиссаси алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга электр энергияси етказиб бериши ушбу мамлакатда ва бутун минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтирилган муваффақиятли минтақавий ҳамкорликнинг самарасидир.

«Жаҳон» АА, Қобул шаҳри



## ФАРМОН ИЖРОСИ БАЖАРИЛМАСА ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Россия президенти маъмурияти янги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Унда президент фармойишини бажармаганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга бўлган жазо турини қўллаш масаласи илгари сурилмоқда. «Независимая газета»да чоп этилган ахборотда баён қилинишича, кўмир қазиб олиш тармоғини солиққа тортиш масаласи юзасидан президент маъмурияти билан Молия вазирлиги ўртасидаги тортишувлар янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга сабаб бўлган.

## ОКЕАНГА ЧИҚИШ УЧУН ТУННЕЛ ҚАЗИМОҚЧИ

Маълумки, Боливия Тинч океанига Чили ёки Перу орқали чиқиши мумкин. Аммо чилилик архитекторлар Боливиянинг тўғридан-тўғри океанга чиқиш йўлини тақлиф этмоқда. Бунинг учун Чили ва Перу чегаралари тағидан ўтувчи ерости йўли қазилиши лозим. Перулик архитекторлар ҳам Боливия маъмуриятига айнан шу тақлифни, яъни 150 километр узунликда ерости йўли ҳамда Тинч океанида Боливиянинг суний ороли ва портини қуриш лойиҳасини тақлиф этди.

Чили архитекторлари вакили Умберто Эльянинг

Лондонда чоп этиладиган «Financial Times» газетасида берган интервьюсида айтишича, бу гоё бир қарашда аҳмоқона бўлиб туолиши мумкин, аммо уни амалга оширса бўлади.

Тарихдан маълумки, бундан 130 йил аввал юз берган Боливия — Чили урушида Боливия ўзининг океан кирғоғидаги Антофогоста вилоятини Чилига бой беради. Шундан сўнг Боливия океанга чиқиш йўлидан маҳрум бўлди. Бугунги кунда бу икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар узилган.

Агар туннель қурилиши бошланса, у жаҳондаги

## АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

АҚШда келгуси йил баҳорда ўтказиладиган мамлакат бўйлаб аҳолини рўйхатга олиш тадбирига қизгин тайёргарлик кетмоқда. Рўйхатга олиш анкетасига исми-фамилияси, ёши, жинси, яшаш манзили, этник келиб чиқиши каби 10 та савол кўриштирилган бўлиб, бу Америка тарихида бундай жараёнда қўлланилаётган энг қисқа анкета-саволдир.

Аваллари саволлар жуда кўп бўлган. Маҳаллий ОАВ хабарларида қайд этилишича, барча жавоблар махфий сақланади, фақат статистик мақсадлардагина фойдаланилади.

Маълумотларга қараганда, АҚШда 1970 йилдан бери ҳар ўн йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказиб келинади.

2010 йил баҳорда ўтказиладиган тадбир йигирма учинчиси. Унда иштирок этиш барча аҳолининг конституций ҳуқуқидир.



энг узун ерости йўли ҳисобланади. Шу билан бирга унинг қурилиши Англияни Франция билан боғловчи Ла-Манш бўғози остидаги туннель қурилишига нисбатан анча қийин кечади. Негаки, тақлифда назарда тутилган туннель қурилиши Перу ва Чилининг хавфли сейсмик худудидан ўтади. Аммо шундай бўлса-да, лойиҳани амалга ошириш мумкин. Ер силкилилари тез-тез юз бериб турадиган Японияда бундай туннеллардан унумли фойдаланилмоқда.

## «ИНҚИРОЗ» СЎЗИ УЧУН ЖАРИМА ҚЎЛЛАШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Вильнюс шаҳрининг собиқ мэри, «Центристар ва либераллар иттифоқи» партияси (сеймдаги 141 та мандатдан 9 та ўринни улар эгаллаган) етакчиси Артурас Зуокас Литва радиосида қилган чиқишида галати тақлифни ўртага ташлади. Унинг айтишича, қайсики сибсатдон ўз маърузасида ёки жамоатчилик орасидаги бирор-бир чиқишида инкироз ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто «инкироз» сўзини

муомалада қўлласа ҳам унга нисбатан 29 евро миқдорда жарима қўллаш адолатли жазо бўлармиш. Бунинг учун жарима жағфармаси тузиш лозимлиги ҳақида ҳам алоҳида таъкидлади. «Бугунги кунда асосий инкироз фақат сибсатчилар ва бюрократларнинг калласида. Инкироз — бу ожизлик ва умидсизликнинг исботидир. Тўғри ва амалий ҳаракат ҳар қандай инкирозни даф қилади», деди у.

## Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

### 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

қуйидаги иншоотга

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти туманлари бўйича ерларни сугорилга 20 донатик кудуқларни қуриш ва қайта қуриш.

**Объектнинг бошланғич нархи** — 1 481 106 907 сўм (ҚҚС билан).  
**Объектни якунлаш муддати** — 2009 йил 20 декабрь.  
**Бюртмачи:** Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.  
**Телефон:** (8-369) 226-46-44, 226-30-18, 226-45-09.

Лойиҳани молиялаштириш 9-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматлар)ни таъминлаш бўйича танлов тақлифлари берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қий-

мат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган тақлифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — **Қуриладига танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, **телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91** мурожаат қилиш мумкин.

**Танлов ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 60000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уй.**

## «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» MCHJ

### ochiq aukcion savdolariga taklif etadi

Toshkent shahar, Shayhontohur tumani, Navoiy ko'chasi, 13- uйда joylashgan «Toshkent Arhitektura va qurilish instituti» tasarrufidagi:

1. 1993 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AZ 983 bo'lgan "ZIL 431410" rusumli avtotransport, boshlang'ich narhi — 3 000 000 so'm. Zakalat — 600 000 so'm.
2. 1992 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AZ 052 bo'lgan "UAZ 3303" rusumli avtotransport, boshlang'ich narhi — 3 000 000 so'm. Zakalat — 600 000 so'm.

Shuningdek, Toshkent shahar, Sobir Rahimov tumani, Qorasaroy ko'chasi, 341-A uйда joylashgan «4-sonli Qurilish-ta'mirlash boshqarmasi» tasarrufidagi:

1. 1997 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AC 188 bo'lgan "GAZ 330210" rusumli avtotransport, boshlang'ich narhi — 4 000 000 so'm. Zakalat — 800 000 so'm.

Aukcion savdosi 2009 yil 30 iyun kuni coat 15-00da boshlanadi.

Sotilmagan obektlar 2009 yilning har seshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga sotilgunga qadar qo'yiladi.

Savdolarida qatnashish uchun yuqoridagi ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal aukcion markazi» MCHJ ning AKB lpak Yo'li dagi MFO 00444, STIR 300053338, 2020800010455505002 sonli hisob raqamiga o'rnatilgan tarbiha to'lanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yুক্তiladi.

**Manzil:** Toshkent shahri, Shayhontohur tumani, M-14, 19-uy.

**Aloqa telefoni:** 244-88-03, 244-88-04.  
**Elektron pochta:** aukcion@bk.uz  
Guvohnoma: № 001568 — 09

Farqona viloyati, Учқўприк тумани Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган «Кунчиқар шабнам» хусусий корхонаси, «Легионер Алам» ва «Кафолат кафилик сари» МЧЖ лар Фаргона вилоят ҳўжалик сулдининг 2009 йил 22 майдаги 15-09-08/10010, 15-09-08/10011 ҳамда 15-09-08/10012-сонли ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб эътироф этилиб, уларга нисбатан тутатиш ишлари бошланди.

Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча кредитор (ҳақдор) корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Фаргона вилояти, Учқўприк тумани, Ҳўтувчилар кўчаси, 20-«А» уй, Учқўприк туман Давлат солиқ инспекцияси.**


**Телефон: 8 (373) 515-27-34, 515-19-72.**

❖ Таълим ва ислоҳот

# ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАР МАСКАНИ

— Коллеж мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган. Таълим даргоҳи биноси замонавий, ёшлар ўқиши, хунар ўрганиши учун барча шароит яратилган. Талабаларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Шаҳардаги ўнлаб йирик sanoat корхоналари билан шартномалар имзоланган. Хар йили битирувчиларнинг 50 фоиздан зиёди ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланади, — дейди коллеж директори, халқ таълими аълочиси, ЎзХДП фаоли Татьяна Тошева. — Билим маскани қошидаги фольклор этнографик ансамбли, театр студияси, спорт сингаги ўндан ортиқ тўгараклар ёшлар ихтиёрида.

Тажрибадан яхши маълумки, айниқса, sanoat тизими хар доим янгиликка, ўзгариш ҳамда замон билан ҳамнафас яшашига мойил. Шу сабабли, хорижий давлатлар тажрибасини ўзлаштириш, устузу муаллимлар малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Коллежimiz Германия давлатидаги ҳамкасбларимиз билан ақин алоқа ўрнатган. Ўтган давр мобайнида 5 нафар ўқитувчимиз Германияда тажриба ўрганиб қайти, уларнинг 3 нафари «Тижорат масаллари бўйича мураббий» макomini олди. Икки томонлама тузилган шартномага асосан Германиянинг таълимга кўмаклашувчи жамғармаси гранти эвазига 250 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағга замонавий асбоб-ускуналар келтирил-



ган. ДҲҲ лойиҳаси асосида 12 млн. сўмлик тикув машиналари олдик. Коллеж қошида тикувчилик цехи ташкил этилди. Талабаларимиз олган билимларини амалиётда синая кўриши имкониятига эга бўлиши. Шогирдларимиздан Антонина Маргунова, Ситора Абдухаликова, Нина Крикун ва бошқалар ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридаги «Эл мероси» театрида ишламоқда. Улар Италия, Австрия, АҚШ сингари дунёнинг ривожланган давлатларида миллий либослар бўйича ўз кўргазмаларини намойиш этишди. Қатор совринлар, нуфузли мукофотларни қўлга киритдилар.

— 10 минг китоб фондига эга, Ахборот-ресурс марказимиз, ўнга яқин устахона, спорт маркази ёшлар хизматига, — дея сўзини давом эттирди коллеж директори. — Ўқувчиларнинг амалиёт ўташларига ҳам жиддий аҳамият қаратамиз. Ҳозирги кунда ўнга яқин

ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Талабалар амалиёт ишларини шу корхоналарда ўтайдилар. Ундан ташқари, устоз-шогирд аънаси ҳам доимий эътиборда. Корхоналардаги тажрибали ишчи-хизматчилар ўқувчиларимизни оталиққа олишган. Таълим-тарбия жараёни замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали куроллар асосида ўтказилади. Хар бир синфхона таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган. Ўқитишни амалий тарзда ўтишга кўпроқ аҳамият берамиз. Шундангина талабалар хар бир фанини ўзлаштиришлари энгилроқ бўлади-да. Илгор, аълочи ёшларни моддий-маънавий рағбатлантириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Коллежнинг махсус фонди маблағи эвазига хар ойда илгор талабалар рағбатлантириб турилади.

— Бугунги давр ёшлари иқтидорли, билимга чанқоқ. Уларга пухта таълим бериш учун аввало ўқитувчи тажрибали, илмли бўлиши лозим — дейди коллеж ўқитувчиси Гавхар Марданова. — Мен қарийб 20 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Илгариги билим юртлар билан ҳозирги касб-хунар коллежлари орасида ер билан осмонга фарқ бор. Буларнинг барчаси дастлаб мамлакатимиз Президентининг келажакимиз хақиқий ворислари бўлган ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари учун яратиб бераётган шароитлари, эътибори махсули экани-

Самарқанд энгил sanoat касб-хунар коллежи вилоятдаги ўз ўрни ва салоҳиятига эга таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Айни кунда бу ерда 913 нафар ёш 7 та таълим йўналиши бўйича касб сирларини ўрганмоқда.

ни яхши биламиз. Ҳозир ўқийман, билим оламан деган ёшлар учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Коллеждаги аксарият ўқитувчи-мураббийлар малакали, катта тажриба эгаси. Айниқса, Лола Насриддинова, Ольга Пак сингари ҳамкасбларимиз фидойилигини алоҳида таъкидлашни истардим. Шогирдларимиз пухта билим олиши, вилоят ва Республика танловларида голибликни қўлга киритишаётганида ана шундай тажрибали ўқитувчиларимизнинг хиссаси катта. 2008 ўқув йилида коллежнинг 26 нафар битирувчиси олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттириш шарафига эга бўлишди.

— Талабаларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга, — дея сўз бошлади ўқитувчи Лола Насриддинова. — Коллежнинг худудига эътибор қаратдингизми? Бир метр ҳам бўш ер қолмаган. Ҳаммаёқ анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар билан тўлган. Мана шуларнинг барчаси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг пешона тери эвазига яратилган. Хар йили баҳор келиши билан гуруҳ ва босқич талабалари ўзларига бириктирилган майдонда ободонлаштириш ишларини олиб боришади. Ўқидан бўш вақтлари боғbonларга мадад беришади, ўз қўллари билан дарахт кўчатлари ўтказиб, уни парваришлайдилар.

— Ҳадемай, 2009-2010 ўқув йили бошланади, — дея сўзини давом эттирди коллеж директори

Татьяна Тошева. — Бу мавсумга жиддий ҳозирлик кўраямиз. Бир неча бор «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилди. Ёшлар, ота-оналарга таълим даргоҳидаги шароитлар таништирилди. Бу йил коллежнинг «Энгил sanoat ат технологияси» бўлимига тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси, кенг ассортиментдаги кийимлар бичувчиси, «Менежмент» бўлимида офис менежери, ишлаб чиқариш менежери, таб-биркорлик соҳаси менежери, «Информатика ва ахборот технологиялари» бўлимида мультимедия тизимлари ва компьютер графикаси, мультимедия тизимлари кичик дастурчиси, «Халқаро бизнес» бўлимида иқтисодчи менежер, ишлаб чиқариш менежери, кичик корхона ва микрофирма менежери, кичик корхона логистика менежери тайёрланади. Шунингдек, бухгалтер, бухгалтер иқтисодчи, фермер хўжалиги бухгалтери, дастурчи бухгалтер, корхоналар молиячиси, молиячи иқтисодчи, лизинг операциялари мутахассиси, солиқ ва солиққа тортиш сингари мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Кўриниб турибдики, бу касб-хунар коллежида малакали билим олиш учун барча шароитлар муҳайё. Ўргатилаётган касблар ҳам замонавий.

Абдували ХУДОЁРОВ, Санжар САҒАРОВ.

Туйғу

# ДАЪВАТ

Кўр бўлағайлар билмаганлар замонимни, Шоқолга ем бўлар эди бу карвонлар, Ичимизда тухум очган шум илонлар, Ёв қиларди ҳаётимга давронимни.

Кўнгила обод ўлса унда хатар бўлмас, Обод бўлмоқ инсон учун улуғликдир. Асар унда чироқ ёнса ёруғликдир, Ёруғликда тонлар ахир уруғликдир. Шу тонларни авлодларга ким атади, Боғларимиз кўнгила билан ким бутлади, Қалба қўйиб англаб олинг сарбонимни.

Қанча қайроқ қайрадилар кўз олайиб, Ўт қўйдилар ичи қуруқ хашақларга, Кибрларга, ҳасадларга, шақ-шақларга, О, қанчалар юрагидан кетди майиб, Ҳақиқатнинг оловидан зум бужмайиб.

Тик турди-ку Баҳауддин Нақибандий, Соҳибқирон, Бобур мирзо, Улуғбеклар, Кешийлар шошийлару, дилбандийлар, Аҳли Хораз, Ҳўқондию Самарқандий, Улуғ йўлга от қўйдилар ўзлуғ беклар.

Ўзлимиз сари кетдик, кўкрак кериб, Орзулару умидларни бир-бир териб, Буюк давлат кўешига ихлол бериб, Боламизга шижоатни мерос бериб, Ҳам ўрганиб, ҳам ўрғатиб кетмоқдамиз, Умр ўтар аста-аста ўтмоқдамиз. Аммо кўнгила хотиржамдир, тўғри қилдик, Ойдинликни бағримизга бағир қилдик.

Минг йил ўтар, ўзгаради бу дунёлар, Балки намзуш тортиб қолар хуш ҳавоалар, Болми тўфон кўтаради шўх сабoлар, Ўзгармайди то қиёмат аҳду паймон, Ўзгармайди ер юзида Ўзбекистон, Яшнайверар хурриятдан таралган нур. Ранги ўчмас қони эзгу бу зийлар.

Мангуликдир чип меҳнатлар ва заҳматлар, Иқболимиз учун ёнган бу ҳикматлар, Аждодларнинг руҳи айтган бу раҳматлар, Келажакнинг уйи янгиғ бу мактаблар, Бу ишончлар, бу туйғулар ҳамда сурур.

Адашмайлик, қайишмайлик, эгилмайлик, Хиёлату адовларга буқилмайлик. Ағёларнинг кимхобига тикилмайлик, Айрилмайлик орзулардан ва ватандан.

Шукрона айт, Абдували иқболингдан, Гул бахтингдан, бугунингдан зилолингдан, Билдинг ахир Ўзбекистон ва шавкати, Она ватан деган кутлуғ тариқатини, Шу тариқат пойдор бўлди, қулағ қилғил, Озодлиғу ободликни сен туг қилғил.

Илдмамагин Истиқлолнинг йўлларидан, Бу йўлларки, саодатга элтгучидир, Ҳеч туширма байрогингни қўлларингдан, Ада турган муродига етгучидир.

Даъватим шу ватан Алоҳ назарандур, Юртшайдолиғ вожиб Ҳўжа Хизрдандур, Ватан ахир иймон учун бир саждагоҳ, Кимки ватан ичра бўлса ўшал огоҳ.

Иймондандир хизмат қилмоқ раиятга, Бутун халққа, она юртга, ҳақиқатга, Ўзбекистон деган буюк муҳаббатда, Яшаб бирга, Ўлиб бирга! Тирилганда — Ўзбекистон жопажоним — ватан десак, Эй Ҳаратан, ўзинг уни асра десак, Шу юрт учун порлат десак кўзимизни, Тупроғига тупроқ қилгин ўзимизни.

Онажоним, Жондан суяк Ватан десак! Ватан десак, ватан десак, ватан десак! Абдували ҚУТБИДДИН

❖ Баркамол авлод орзуси

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Денов туманидаги марказий ўйингоҳда «Ёшлар ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, экстремизм, терроризм, диний ақидапарастлик ҳамда одам савдосига қарши» мавзуда форум бўлиб ўтди. Форумнинг очилиши хақиқий тантананага айналди. Ватан озодлиги, мустақилликини мустаҳкамлаш ҳамда миллий истиқлол голяри йўрилган куй ва қўшқлар янгради, харбийлар ва ёш

# ЁШЛАР ФОРУМИ

спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди. Айни кунларда Деновда 300 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Келажак авлод таълим-тарбияси алоҳида эътиборда. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан бугунгача «Оқила қиз», «Сиз та-

туманда «Хотин-қизлар, ёшлар, воёга етмаганларни соғломлаштириш ва касбга йўналтириш» бўйича ташкил этилган «Ёшлар» ижтимоий хизматлар марказида 80 нафар ёш қиз тикувчилик сирларини ўрганмоқда. 200 нафарга яқин жажжи фарзандларимиз эса турли спорт тўгаракларига жалб этилган. Дарҳақиқат, давр тезкор, вақт шиддатли. Ундан бугун самарали фойдаланмоқ керак. Кечга қадар давом этган байрам ёшларда катта таассурот қолдирди. Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА»



Конференцияда шаҳарнинг турли даврлардаги тарихига, минтақага хос шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос тараққиёти

жаҳон миқёсида тан олинганлиги алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, анжуманда қатор идоралар ходимлари, олимлар, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшалари, шаҳар бағридаги тарихий ёдгорликлар ҳамда юбилей муносабати билан бунёд этилган иншоотларни бориб кўрдилар. Анжуман доирасида Тошкент Фотосурат-

★ Футбол

# «НЕФТЧИ» ВА «БУНЁДКОР» — ЧОРАК ФИНАЛДА

ОФК кубоги баҳсларида илк мартаба юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси нимчорак финалда Суриянинг «Ал-Махид» футболчиларига қарши майдонга чиқди. Юрий Саркисян бош мураббийлик қилаётган фарғоналиклар сафарда тўп суришларига қарамай рақибларига етарлича қийинчилик туғдиришди. Уйининг асосий ва қўшимча вақтларида ҳисоб очилмади — 0:0. Натижда голиб пенальтилар сериясида аниқланди. Мезбонларга нисбатан аниқроқ ўйнаган ҳамюртларимиз мусобаканинг чорак финалига йўлангани қўлга киритишди — 1:3. Гуруҳ пешқадами сифатида ушбу босқичга чиққан Баҳрайннинг «Бусайтин» футболчилари эса ўз майдонларида «Ал-Карам» (Сурия) вакилларига имкониятни бой берди — 1:3. Кеча кечқурун эса Осиё чемпионлар лигасининг нимчорак финал учрашувлари ўтказилди. Унда «Перузи» (Эрон) — «Бунёдкор» (Тошкент), «Ал-Иттифок» (Саудия Арабистони) — «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари узаро куч синашдилар. Жумладан,



Техронда ўтган учрашувда бунёдкорчилар ўзларининг галабали юришларини давом эттиришди — 0:1. Мурасасиз кечган ўйинда жамоа сардори Ривалдо киритган ягона гол ҳамюртларимизга галаба келтирди. Эркин ХОЛБОБО

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta' yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affer HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Mushihiddin MUHIDDINOV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-43  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta sahnbana, payshnaba va shabna kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

— 449  
13111 nusxada bosildi  
t — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'za yakuni — 21.00  
Toshirilgan vaqti — 22.00  
1 2 3 4 5 6 7 8  
Sotuvda erkin narxda